

ташкilotи кишлок хўжалиги техникаси ва воситалари етказиб берган, жавобгар эса ўз вақтида лизинг тўловларини амалга оширмаган, натижада Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят худудий бошқармаси даъвогар манфаатини кўзлаб, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгардан 24 479 162 сўм асосий қарз, 9 244 656 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8 ва 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда мажбурият ижара шартномасидан келиб чиққан.

Фуқаролик Кодекси 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Фуқаролик Кодекси 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Фуқаролик Кодексининг 587-моддасига мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Фуқаролик Кодексининг 597-моддасига мувофиқ, лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қайд этилганларга кўра, суд даъвонинг 24 479 162 сўм асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантиришни лозим топади.

Даъвонинг 9 244 656 сўм пеня ундириш қисмини муҳокама қилишда суд қуйидагиларга асосланди:

Тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномасининг 8.3-бандига кўра, лизинг тўлови белгиланган миқдор ва муддатларда амалга оширилмаса, лизинг олувчи тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, даъвогар томонидан 9 244 656 сўм пеня тўғри ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 15.06.2007 йил кунги 163-сонли Пленум Қарори 2-бандида қуйидагича тушунтириш берилган: “Судлар пеняни ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда пеня миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган пенянинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт.”



Қайд этилганлардан келиб чиқиб, суд даъвонинг пеня ундириш қисмини ҳам қаноатлантиришни лозим топади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат божи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Қайд этилган ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб, суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 178-179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъво қаноатлантирилсин.

Жавобгар " [REDACTED] " ҳисобидан:

- даъвогар "Ўзагролизинг" АЖ фойдасига 24 479 162 асосий қарз, 9 244 656 сўм пеня ва 24 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

- суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига (Марказий банк Тошкент шаҳар, Бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази, МФО 00014, Х/Р: 23402000300100001010, Сир: Ғазна. 201 122 919, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, ШХВ: 4014228603302303422103011) 674 476,36 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали апелляция тартибида Фаргона вилоят судига шикоят қилиниши мумкин.

Раислик этувчи

М.Мирмақсудов

